
Хорижий тилларни ўрганиш учун 7 млн 200 минг сўмгача субсидия берилади

Ҳукумат қарори билан «Ёшлар дафтари»ни юритиш орқали ёшлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Низомга кўра, «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларга қуйидаги ёрдам турлари кўрсатилади:

□ моддий аҳволи оғир ёшларга бир марталик моддий ёрдам (БҲМнинг 4 бараваригача) берилади;

□ никоҳи қайд этилганига 3 йилдан ошмаган ёшларга яқка тартибдаги ўз хонадонида қўшимча уй-жой қуриш учун 33 млн сўмгача гаровсиз кредит ажратилади.

Низомга кўра, ёшларга қуйидаги миқдорларда субсидиялар ажратилади:

□ тадбиркорлик ёки ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини бошламоқчи бўлган ёшларга асбоб-ускуна ёки меҳнат қуролиларини харид қилиш учун БҲМнинг 40 бараваригача;

□ ёшларга замонавий касбларни эгаллаши, ахборот технологияларни ўрганиши ва уларни хорижий тилларга ўқитиш бўйича 6 ойгача муддатли ўқув курслари учун ҳар ойда БҲМнинг 4 бараваригача;

□ олимпиада, танлов ва мусобақаларнинг халқаро босқичларида қатнашиш харажатлари учун БҲМнинг 40 бараваригача;

□ ижтимоий ҳимояга муҳтож ёш оилаларга 12 ойгача турар жой учун ижара компенсацияси ҳар ойда БҲМнинг 3 бараваридан ошмаган миқдорда.

[Барча ёрдам турлари](#)

2022-06-09 09:40:37